

## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИДА ҲИСОБДОРЛИК

*ИИВ Академияси 307-гуруҳ курсанти  
Рахимов Баходир Бахром ўғли*

Ушбу мақолада профилактика инспектори фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини ташкил этиш тушунчаси, узига хос хусусиятлари ўрганилган. Профилактика инспекторларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва ҳисобдорлик тизимини ташкил этиш доирасидаги нормаларнинг амалиёт таҳлили ҳамда ушбу фаолият доирасида юритиладиган процессуал ҳужжатлар таҳлил қилиниб уларнинг фаолиятига доир муаммо ва камчиликлар аниқланди ва уларни бартараф этиш буйича бир қатор таклифлар киритилди. Профилактика инспекторларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва унинг фаолиятида ҳисобдорлик тизимини ташкил этиш буйича бошқа хорижий давлатларнинг илғор хорижий тажрибаси ҳамда миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўхшаш томонлари, шунингдек, юқорида келтириб ўтилган жиҳатларидан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари ёритиб ўтилган.

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичида энг муҳим йўналишларидан бири бу қонун устуворлигини ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун хал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда. Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб ислохотларнинг мазкур йўналишига алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас. Ана шундай ёндашув туфайли бу борадаги ишларни кўлами, миқёси самарадорлиги кейинги ўн йилликда ниҳоятда кенгайиб янги босқичга кўтарилганлигини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин. Мамлакатимизда жинойтчиликка қарши кураш ва уни олдини олиш борасида ички ишлар органларининг фаолияти замон талабларига жавоб берадигин даражада тубдан ислох қилинди. Таъкидлаш керакки, 2014 йил 14-майда Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни қабул қилинганлиги бевосита жамиятда ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликнинг профилактикасини самарали ташкил этиш имкониятини берди. Ички ишлар органлари, унинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилган ислохотларга бағишланган тадқиқотларда Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизими шаклланди, маънавий, ташкилий, ҳуқуқий, методологик асослари

такимлаштирилиб борилаётганлиги асослантирилган. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ўз навбатида Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини ислох этиш борасидаги ислохотларни давоми ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бевосита аҳоли яшайдиган ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикаси соҳасида жалб этилган барча куч ва воситалар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш ҳамда чора-тадбирларни амалга оширишни мувофиқлаштириш функциясини амалга ошириш мақсадида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг босқичмабосқич ташкил этилаётганлиги, шунингдек, мазкур масканлар томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторларига юкланганлиги тизимнинг ҳалқ манфаатларига хизмат қилишни янги босқичга олиб чиқмоқда. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга кўра: ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари; ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш тартиби; ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизда маҳалла ҳуқуқтартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилиши белгилаб берилди. Ички ишлар органларининг энг қуйи тизими ҳисобланган маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканидаб хизмат олиб борувчи профилактика инспекторларининг фаолияти ривожланган давлатлар тажрибалари ва маҳалла институтларини инобатга олган ҳолда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда жамиятда, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларни барвақт олдини олиш каби бир қанча вазифаларни бажариб келмоқда, уларнинг фаолияти эса ҳар ойда маҳалла томонидан баҳоланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий нормаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, соғлиғи, кадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди. Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳоли нинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга буйсуниш ва хурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти куришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади. Ҳар қандай жамиятда қонун устувор бўлмас экан, у ерда барқарор ривожланишга, инсоннинг эъзозланишига эришиб бўлмайди. Чунончи, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Ислоҳотларимиз самараси куп жиҳатдан 4та муҳим омилга, яъни қонун устуворлигини таъминлаш; коррупцияга қарши қабтй курашиш; институционал садоҳиятини юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ”. Ички ишлар органлари, шу жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг янги тизими урнатилгани, ички ишлар органлари бошлиғидан тортиб профилактика инспекторларигача ҳалқ олдида ҳисобот берадиган амалиёт жорий этилгани аҳолининг уларга бўлган ишончини янада оширмоқда. Ички ишлар органларидаги ислоҳотларнинг асосий йуналиши Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “бугунги кунда энг катта масала, бу – ички ишлар тизимининг куйи буғинини мустаҳкамлашдан иборат”.

Профилактика инспекторининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш деганда профилактика инспекторининг муайян вақт давомида узига бириктирилган маъмурий ҳудудда жинойтчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси буйича амалга оширган ишлари натижалари тушунилади. Профилактика инспекторининг ҳисобдорлиги деганда профилактика инспекторининг муайян вақт давомида ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда жинойтчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси буйича амалга оширган ишлари юзасидан раҳбариятга ёки кенг жамоатчилик олдида ёзма ёки оғзаки равишда ҳисобот бериш фаолиятидир.